



## ХАЙРИЯТ ДЕЙМАН...

Қарши шаҳар ички ишлар бўлими навбатчиси яна бир хабарни қабул қилди: «Колхоз бозорига тез етиб келинглар! Бир киши мева-сабзавот сотаётганларни қурол билан қўрқитиб, жанжал кўтараяпти...»

Жиноят қидирув гуруҳи ходимларига гавжум бозордаги қуролли шахсни топиш осон кечмади. Анчагина оврагарчиликдан сўнг ширкат таксисига қопдаги пизни жойлаётган барзангининг безовта ҳаракатлари опергуруҳ раҳбари В. Ашуровни шубҳалантирди. Эндигина қопни машина юкхонасига ташлаган гумондаги шахс ортидан милиция катта лейтенанти Прим Отажонов сездирмай келди, шимига қистирилган қурол устидан ушлади. Спиртли ичимлик ҳиди оғзи-бурнидан сасиб турган кимса милиционерга қутурган ҳайвондек ташланди. Бир кишининг бас келиши қийин эди. Отажонов ёнига ҳамкасблари ўз вақтида етиб келишди.

Дам олиш кунини Қарши бозорига талончилик устида қўлга олинган шахс муқаддам бир неча марта судланган ашаддий жиноятчи бўлиб чиқди.

Суҳбатдошим — шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи, умрининг 34-баҳорини шундай масъулиятли лавозимни эгаллаган Неъматилла Амиркуловнинг қўлидаги ҳужжат менга яхши таниш. Бу бир варақ, баъзида ҳажми ундан ҳам ошадиган қоғозга ИИБнинг кундалик маълумотномаси чоп этилар ва у тегишли идораларга юбориларди.

— Жиноятчиликка қарши кураш бугунги кунда фақатгина ички ишлар идораларининг иши бўлиб қола-маслиги даркор. Халқ орасида шундай ҳолат ҳукмронки, жиноят кўзи олдида содир бўлса ҳам, кўрганини айтишдан қўрқади. Сабабини сўрасангиз, гувоҳликка ўтса, кўп вақти ички ишлар бўлимидаги сўроқларда ўтармиш. Бу нима, вақтдан қизганишми? Ахир, бугун биз жиноятини яширган одам эртага ўзимизни тунаши, ҳаётимизга зомин бўлиши мумкин-ку!

ИИБ бошлиғининг сўзларида жон бор эди. Еш раҳбарнинг тиниқ фикр юритиши, борлигидаги соддалик дилимга умид учқунини ёқди. Шаҳарда содир этилаётган жиноятлар салмоғи ҳақида марказий шаҳарлардаги сингари матбуотда доимий ахборотнома бериб борилмайди. Бўлимда сақланаётган сўнгги бир ҳафталик ахборот билан ташиганимдан сўнг ходимларнинг жиноятларни очиш борасидаги олиб борган ишларидан халқни доимий хабардор қилиб туриш зарурлигини англадим.

Бозорда қўлида наган билан ушланган жиноятчи уйи прокурор рухсати билан тинтув қилинганда, у ерда жуда катта миқдорда хорижда ишлаб чиқарилган буюмлар — пойфзаллар, эркаклар ва аёллар кийимлари, пул топилди.

— Жиноятчи Р. Х. дан топишган наган асримиз бошларида ясалган бўлиб, унинг мавжудлиги ҳақида маълумот бор эди. Яқин 100 йил мобайнида қўлдан қўлга ўтиб, не мақсадлар йўлида фойдаланилмаган, дейсиз?! Агар яқинда кунни ҳам ходимларимиз ҳушёрлик қилмаганларида, яна бирор кишининг умри шу қурол билан ниҳоя топиши мумкин эди. Жиноятчи истиқомат қилаётган жойда тинтув ўтказилаётган бир пайтда уйга шубҳали кишилар ташриф буюришди. Уларнинг ёнидан эса мана бу қурол — инглиз револьвери топилди. Револьвер нагандан ҳам кексароқ. Унинг ясаллиш пайти тахминан 1870 йилларга тўғри келади.

Терговчи столи устида турган бир жуфт қуролга қарайман. Улар ҳозир ҳаракатсиз, бунинг устига қонун ҳимоячилари қўлига тушди. Аммо бундан бир қанча муддат олдин ёвуз ниятли кишилар ихтиёрида бўлганлигини эсласам, вужудимга титроқ киради. Хайрият, дейман, ўзимга ўзим, бир бегуноҳ жоннинг умри хазон бўлмади. Хайрият, дейман, шукур, дейман!

Ҳилола ИСМОИЛОВА,  
журналист.



## ОПЕРГУРУХ ОЁҚҚА ТУРДИ

Бугун Паркентда бўлган киши шаҳарда осойишталик ҳукмрон эканлигининг гувоҳи бўлади.

Лекин шундай бўлса-да, ички ишлар бўлими ходимлари жанговар тайёргарликни куну тун ошириб боришарди. Ҳар лаҳза фуқаролар тияқини бузиш ҳоллари бў-

лиши мумкин.

Навбатчи хонасидаги телефон жиринглаб қолди. Жиноят содир бўлибди. Дарҳол оператив гуруҳ оёққа турди (1-сурат).

Катта участка инспектори милиция майори Абдулаҳад Самадов, қўриқлаш бўлимидаги бошлиғи милиция майори

Исमत Турғунов, баловатта етмаган ёшлар билан ишлаш бўлимидаги инспекторлари милиция катта лейтенанти Тўлқин Назиров, милиция лейтенанти Абдурахмонов Нормухжаев, участка инспектори милиция сержанти Қобил Пулатов (2-сурат) қуролланган жиноятчини ушлаш учун йўлга тушишди.

(Давоми 3-бетда)



## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

### МЕҲНАТКАШЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШ ЙЎЛИДА

Бутун жамиятимизни, унинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тузилмаларини кенг қўллаб қўллаш қўриш муносабати билан ишсизлик муаммоси тобора кескинлик касб этмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети 26 июлда республика ва марказий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун бўлган матбуот конференциясида ана шу ҳусусда батафсил фикр юритилди. Журналистларнинг республика аҳолисини ишсизликдан ижтимоий ҳимоялаш муаммолари билан боғлиқ саволларига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби, Ўзбекистонда яқинда ташкил этилган ишсизликдан ҳимоя қилиш Бутуниттифоқ хай-

рия жамоат жамғармасининг республика бўлими раиси А. Абдувосиқов жавоб берди. У Урта Осиё анъанавий равишда меҳнат ресурслари сероб минтақа ҳисобланишини яна бир бор эслатиб ўтди.

Республикада номма-ном ўтказилган ҳисоб-китоб бизда қарийб 600 минг ишламаётган ва ўқимаётган меҳнатга қобил яшайдиган фуқаролар борлигини кўрсатди. Иш билан банд бўлмаган аҳолининг учдан икки қисмидан кўпроги кишлоқ жойларида яшайдиган. Ишсизлик вужудга келтира-

диган ижтимоий кескинликни юмшатиш учун қандай қадамлар қўйиш мумкин? Ана шу саволга жавоб бериб, ўртоқ А. Абдувосиқов шунини таъкидладик, янги ишлаб чиқариш объектларини яратиш, ҳаракатдагиларни қайта ускуналаш ва кенгайтириш йўли билан ишловчиларнинг сонини кўпайтириш ишчи ўринлари яратишнинг асосий йўналишларидан биридир. Иккинчи йўналиш — кишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш ва саклашга, қурилиш материаллари, турли-туман

буюмлар ишлаб чиқаришга асосланган ёрдамчи ишлаб чиқариш ва ишхоналарни ривожлантиришдан иборат.

Ишсизликдан ҳимоя қилиш Бутуниттифоқ хайрия жамоат жамғармасининг янги ташкил қилинган республика ташкилотининг вазифалари ва истиқболга батафсил тўхталиб, унинг раиси А. Абдувосиқов журналистларга шунини уқтирдик, бўлимининг асосий вазифаси ишсизликнинг олдини олиш ва унинг оқибатларини юмшатиш учун меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотла-

ри, ижодий уюшмалар ва давлат муассасалари, алоҳида фуқароларнинг куч-ғайратларини жамлашдир.

— Бизнинг асосий мақсади-миз, — деди матбуот конференцияси якунида ўртоқ А. Абдувосиқов, — бозорга ўтишнинг оғир даврида республикага ёрдам бериш, меҳнат кишини ижтимоий ҳимоялашга ҳаракат қилаётган жамовларни қўллаб-қувватлашдир. Ўзбекистон Компартияси ишсизлик ва унинг оқибатлари билан боғлиқ воқеалар олдини олиш учун ҳамма ишларни қилади, бу йўлда меҳнат кишини манфаатларини кўзлаб фаол ҳаракатларини амалга ошираверади.

# ОҚ ЙЎЛ СИЗЛАРГА, БИТИРУВЧИЛАР!

Бугунги тантанали кун ССЖИ ИИБ ёнгиндан сақлаш олий муҳандислик-техник билимгоҳи Тошкент куллийти битирувчилари хотира-сида узоқ вақт сақланиб қолиши аниқ. Чунки улар куллийт шахсий таркибининг сафларида охириги марта турибдилар.

Ниҳоят, ҳаяжонли ўқув йиллари орда қолди. Уларнинг кўплари бу соҳа сирларини ўзлаштириш учун қаердан келган бўлсалар, яна ўша ерга қайтиб кетдилар.

Сафда ички хизмат катта лейтенанти Низомжон Каримов кўкрагини роз кериб турибди. У ўқишга Наманган вилояти ижроия кўмитаси ИИБ ёнгиндан сақлаш бўлими инспектори лавозимидан келганди. Формаси жуссасига ярашиб турган бу йигит таҳсил пайтида илмий-тадқиқот ишларига кўпроқ эътибор берди. Олимпиада, танловларда фаол иштирок этди. Совринли ўринларни эгаллади.

Куллийт раҳбарияти ундаги ноёб қобилиятни янада ривожлантириш мақсадида ССЖИ ИИБ ёнгиндан сақлаш олий муҳандислик-техник билимгоҳининг адъюнктурасига тавсия этди. Сирдарё вилояти ижроия ИИБ ёнгиндан сақлаш бўлими 3-ҳарбийлашган қисми инспектори ички хизмат катта лейтенанти Ж. Исроилов ҳам ана шундай эътибор ва ғамхўрликка муяссар бўлди.

Тошкент вилояти ижроия кўмитаси ИИБ ёнгиндан сақлаш бошқармаси муҳандиси бўлиб ишлаган ички хизмат катта лейтенанти О. Ивановни эса қадрдон ишхонасида катта инспекторлик лавозимини кутмоқда. Қозоғистон ССЖ Косагетов вилояти ижроия ИИБ ёнгиндан сақлаш бўли-

ми раҳбарияти бир пайтлар инспектор бўлиб хизмат қилган Ф. Кожовдан эндиликда муҳандис сифатида фойдаланишмоқчи.

Битирувчилар орасида Ўрта Осиё ва Қозоғистондан ташриф буюрган ўн бир миллат вакиллари бор.

Бу тантанали юбилей куллийт ҳаётидаги ўнинчи марта юз бераётган шодиёнадир. Бу сафар «тилсиз ёв» жиловкорлари сафларига 180 нафар малакали кадрлар кўшилади. Умуман шу пайтгача бу даргоҳ 400 дан ортиқ ана шундай жасур ва тадбиркор мутахассисларни етиштириб чиқарди. Бугунги кунда муҳим хизматни бошқараётган ЎзССЖ ИИБ ёнгиндан сақлаш бошқармаси бошлигининг ўринбосари ички хизмат полковниги Е. Новиков, шу бошқарма бўлими бошлиги ички хизмат подполковниги А. Шаповалов, Фарғона вилояти ИИБ ёнгиндан сақлаш бўлими бошлиги ички хизмат подполковниги Х. Алаутдинов, Тошкент шаҳар ИИБ ёнгиндан сақлаш бошқармаси бошлиги ўринбосари ички хизмат майори Э. Жуманов каби бир қатор ўртоқлар ҳам куллийтнинг собиқ тингловчиларидир. Шунингдек, халқ мулкисини ўт балосидан сақлаш жараёнида мардлик кўрсатиб, охири-охирида шахид кетган дўстларимиз ҳам бор. Мисол учун бурчни бажариш учун ўз жонини қурбон қилган И. Абдранов, сирқич таълим тўртинчи босқич тингловчиси В. Никуленко сингари марҳум дўстларимиз ҳам қалбларимизда мангу яшайдилар.

Тантанали маросим қатнашчилари шахримизнинг бош майдонида бўлиб, дохий ҳайкали пойига ва номаълум солдат қабрига гулчамбар

қўйишди. Кейин Тошкент шаҳар ИИБ спорт ўйингоҳига йўл олдилар.

Бу ерга ЎзССЖ ички ишлар вазири ўринбосари милиция полковниги П. Левочкин, жумҳурият Президенти девони бўлимининг бошлиғи, ҳуқуқшунослик фанлари доктори Б. Қосимов, Тошкент шаҳар Киров тумани фирқа кўмитаси иккинчи котиби Ю. Казаринов, ЎзССЖ ИИБ ёнгиндан сақлаш бошқармаси бошлиғи ички хизмат полковниги А. Ёқубов, ССЖИ ИИБ Тошкент ёнгиндан сақлаш-техник билим юрти бошлиғи ички хизмат полковниги А. Артюхов, ССЖИ ИИБ Тошкент олий милиция мактаби бошлиғи ўринбосари милиция полковниги Т. Тўйчиев, Тошкент шаҳар ИИБ ёнгиндан сақлаш бошқармаси бошлиғи ички хизмат подполковниги В. Добрий, ички хизмат идоралари ва ёнгиндан сақлаш хизмати фахрийлари — истеъфодаги ички хизмат полковниги Черниш, истеъфодаги ички хизмат подполковниги Х. Ризаев, битирувчиларнинг ота-оналари, қариндош-уруғлари ва яқинлари ташриф буюрдилар.

Дастлаб Ўзбекистон ССЖ ички ишлар вазирининг ўринбосари милиция полковниги П. Левочкинга сўз берилди.

— Мана, ниҳоят, орзиқиб кутилган вақт ҳам етиб келди. — деди вазири ўринбосари. — Сизлар мазкур куллийт битириб, ёнгиндан сақлаш хизмати бўйича етуқ мутахассислар бўлдингиз. Энди сизларни ҳам шарафли, ҳам масъулиятли хизмат кутмоқда. Сизларга битта истагим бор: доимо соғомон бўлинглар, беором юракларингиздан бурчга садоқат деган ҳис ҳеч қачон ўчмасин!

Шундан кейин бир сафда тизилиб турган битирувчиларга диплом ва кўкрак нишонлари берилди. Энг пешқадам ҳисобланган йигитларга эса жумҳурият Президенти девони бўлимининг бошлиғи, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, мана шу куллийтда бир пайтлар бошлиқ лавозимида ишлаган Б. Қосимов имтиёзли дипломлар топширди. Улар орасида ички хизмат катта лейтенантлари А. Владико, О. Иванов, Ж. Исроилов, Н. Каримов, Ф. Кожов, И. Олендский, С. Савин, С. Сотиков, О. Шевцовлар бор эди.

Шундан кейин куллийт профессор-ўқитувчилари номидан ижтимоий фанлар кафедраси бошлиғи, тарих фанлари номзоди, доцент, ички хизмат полковниги А. Хўжаев сўз олди.

— Бир пайтлар сизлар куллийт тингловчилари бўлганларингизда гоёт қувонган эдим, — деди у шогирдларига қарата. — Бугун эса ички хизмат шодлигим баланд. Негаки, сизларга берган сабоқларимиз, сарфлаган вақтларимиз зое кетмади. Ҳар бирларингиз ўз ишингизнинг усталари бўлиб етишдиларингиз. Ишончим қомилки, қарерга борсаларингиз ҳам, шу мўътабар даргоҳ номини ҳалол хизматларингиз билан шарафлайсизлар. Сизларни яна бир бор бугунги айём билан муборакбод этаман!

Битирувчилар номидан сўзга чиққан ички хизмат катта лейтенанти С. Сотиков эса устозларга қизгин миннатдорчилик ихроқ этди.

— Биз бу муқаддас даргоҳни, бу ердаги меҳри оташ мураббийларни бир умр ёдда сақлаймиз, — деди у камоли ишонч билан. — Чунки улар танлаган касбимизнинг икир-чикирларигача ўргатиш билан чекланиб қолмадилар. Энг муҳими ҳаётга йўланма бердилар. Ўйлайманки, улардан олган сабоқларимиз энг сўнгги пайтларгача асқотади. Ҳаммаси учун мингданминг раҳмат, устозлар!

Унинг сўзлари куллийт профессор-ўқитувчилари ҳам, бўлғуси тингловчиларини ҳам тўлқинлантириб юборди. Фарғона вилояти ижроия кўмитаси ички ишлар бошқармаси ёнгиндан сақлаш бўлими 4-ҳарбийлашган қисми инспектори ички хизмат лейтенанти Р. Қурбонов микрофонга яқинлашди. Мазкур анжуман иштирокчиларини бугунги битирувчилар каби аъло ўқишларига, куллийт анъаналарини давом эттиришларига ишонтирди.

Куллийт бошлиғи вазифасини бажарувчи, техника фанлари номзоди, доцент, ички хизмат полковниги А. Худоев бир гуруҳ ўқитувчилар ва битирувчиларга фахрий ёрлиқлар ва пул мукофотлари топширди.

Ниҳоят, хайрлашув бошланди. Битирувчилар текис қаторларда шахдам қадамлар ташлаб, минбар олтидан ўтмоқдалар.

Оқ йўл, сизларга, «тилсиз ёв» жиловкорлари!

**Расул ҚОШИМОВ,** ССЖИ ИИБ ёнгиндан сақлаш олий муҳандислик-техник билимгоҳи Тошкент куллийтининг катта илмий ходими, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди, ички хизмат полковниги.

**СУРАТЛАРДА:** жумҳурият Президенти девони бўлимининг бошлиғи, ҳуқуқшунослик фанлари доктори Б. Қосимов битирувчи-тингловчиларга имтиёзли диплом топширмоқда.

Куллийт бошлиғи вазифасини бажарувчи ички хизмат полковниги А. Худоев куллийт доценти А. Корешковни рағбатлантирувчи мукофот билан қутламоқда.

Ноил ЖДАНОВ олган сураатлар.

БАЙНАЛМИЛАЛЛИК — АМАЛДА

## МЕҲРИ ДАРЁ ИНСОН

Қиши қаттиқ келган 1968 йилнинг февраль ойи. Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармасининг кадрлар бўлимига қорачадан келган, паҳлавон сифатли, сўзларидан оқу қорани таниган бир йигит кириб келди ва уни милиция сафига хизматга қабул қилишларини сўраб мурожаат қилди. У Турди Жаҳонов эди. Тез орада керакли ҳужжатлар тўпланиб, Турди қўриқчилар ротасига хизматга тайинланди.

Унғача Турди изғирин шамоллар ва доимий қору совуқлар юрти Примория ўлкасининг Уссурия шаҳрида Шўро Армияси сафида ўзига хос ҳаёт мактабини ўтаб қайтган эди.

Мана орадан кўз очиб-юмгунча 23 йилдан кўпроқ вақт ўтиб кетди. Турди хизматга келган биринчи кунларда оқу ўз ишининг устаси бўлган ҳамкасбларининг бой тажрибаси ва иш услубларини ўқиб ўрганди. Бугун унинг ўзи кўпларга устоз, милиция старшинаси, бўлима етакчиси, катта ва аҳил оиланинг бошлиғи, умр йўдоши Муқаддасхон билан биргаликда саккиз фарзандни тарбиялаб, вояга етказмоқда.

Қарши шаҳар ИИБ бошлиғи милиция капитани Немажон Амиркуловдан Турди ака ҳақида сўрайман. У милиция старшинаси Турди ака Жаҳоновнинг жамоадаги тажрибали ходимлардан бири эканлигини, берилган топшириқларни ўз вақтида ижро этишини, жамоат ишларида доимо фаол қатнашини, ҳалол ва намунали хизмати учун шу кунгача ўттизга яқин рағбатлантиришлар билан муносиб тақдирланганлигини фахрланиб сўзлади.

Турди ака билан қилган суҳбатимда ҳозирги кунда энг нозик, аммо ҳаммамизни ташвишга солаётган мамлакатдаги ўзгаришлар, миллатлараро муносабатларга бўлган фикрини эҳтиётлик билан сўрайман. Турди ака ўйланиб турдида: «Йигирма уч йилдан кўпроқ вақтдан буён милиция сафида хизмат қилиб келаман, ҳозиргача на ҳамкасбларимдан, на раҳбарларимдан миллатим дўли бўлганлиги учун камситиш сездим ва аксинча кўп ходимлар билан дўсту қадрдон бўлиб кетганман, улар билан тўйу маъракаларимизда бир-биримизникига оилавий борди-келди қилиб турамыз, мусибатли кунларда ҳеч вақт мендан ёрдамларини аяшмаган», — дейди.

Ҳа, милиция старшинаси Турди ака Жаҳонов меҳри дарё инсон. Ундан ҳам ҳаётда, ҳам хизматда ўрнатилган арзийди.

Чори САТТОРОВ.



Қайта туғилган «Постда» рўзномасининг биринчи сони ўқувчилар қўлига етиб борганига ҳам, мана, етти ойдан ошди. Дастлабки пайтларда унинг ҳар бир сонини қизиқарли материаллар билан таъминлаб бориш таҳририят ижодий ходимлари учун осон кечмади. Ниҳоят, бу қийинчиликлар орда қолди, десак ҳам бўлади. Бугунги кунда жумҳуриятимизнинг турли томонларида, турли ёшдаги, турли касбдаги ўз мухлисларимизга эга бўлганмики, бу биз учун гоёт фахрлидир. Эндиликда ҳар кун улардан кўплаб мактублар олмақдамиз. Ана шу мактубларда эса серқуёш Ўзбекистонимиздаги қайноқ ҳаёт нафаси уфуриб турибди. Қолаверса, бу мактубларда битилган қизиқарли хабарлар, баҳс-талаб мулоҳазалар рўзномамизнинг тобора ўқинишли чиқишига туртки бўляпти.

Доний муаллифларимиздан бири — жумҳурият ИИБ ДАНБ ходими милиция капитани Анвар Назаровнинг хати бунга яққол далил бўла олади. Унинг ёзишича, жорий йилнинг ўтган беш ойида жумҳурият йўлларида болалар иштирокида 1 минг 925 марта кўнгилсиз ҳодиса юз берди. Натижанда 239 нафар бола ҳаётдан кўз юмди, 1 минг 698 нафари оғир тан жароҳати олди. Яна битта оғрикли далил: ана шу давр мобайнида етти ёшгача бўлган болалар иштирокида 916 марта йўл-улов ҳо-

# МУХЛИСЛАР КЎМАГИГА МУҲТОЖМИЗ

саси содир этилди. Натигада 157 нафар боланинг умри ҳазон бўлди, 761 нафари эса ҳали ҳаёт лаззатини татиб улгурмасдан майиб-мажруҳ бўлиб қолди. Ана шундай фалокатлардан кейин ўзимизни пешонасига шу ёзилган эканда, дея овутишга одатланганмиз. Лекин чуқурроқ ўйлаб кўрадикан бўлсак, бу кўргиликлар катталарнинг, яъни ўзимизнинг бефарқлигимиз меваси эмасми?

Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси ДАНБ ходими милиция лейтенанти Рамзиддин Муҳитдинов эса масаланинг бошқа томонини қаламга олган. Унинг маълумот беришича, биргина Тошкент шаҳрида ҳайдовчилар айби билан 696 марта, пиёдалар айби билан эса 479 марта бахтсиз ҳодиса рўй берганлиги қайд этилади. Табиий, бу ҳодисалар туфайли қанча-қанча оилаларда аза очилган. Хўш, булар бўлмаслиги мумкинми? Албатта, агар ҳайдовчилар йўл меники, деган худбинликини касб қилиб олмаганларида ёки пиёдалар ҳайдовчининг ҳам кўзи борку, деган фикрни ҳаёлларидан чиқариб ташлаб, умумий йўл ҳаракати қоидаларига амал қилганларида, бу кўргиликларнинг олди олинган бўларди. Энди эса афсус дейишдан ўзга чора йўқ. Милиция майори Қодир-

жон Муҳаммадҷонов эса тақлиф билан рўзномамизга мурожаат этган. «Мен милиция подполковниги Мирзаназар ака Наримовни 1972 йилдан бери биламан. ЎзССЖ ИИБ ҳузуридаги ўзбек шўро милицияси тарихи халқ музейи у кишининг ташаббускорлиги, ишбилармонлиги, тиниб-тинчимаслиги туфайли юзага келган. Рўзнома ихлосмандларининг хабарлари бор, яқинда ўлим у кишини бағримиздан юлиб олиб кетди. Агар ўша музейга у кишининг

остида ўз мулоҳазаларимизни билдиргандик. Ана шу баҳс жараёнида нима қилсак, милиция фаолиятини самарали қилиш мумкин, деган гоёни илгари сургандик.

Ана шу чиқишимиз юзасидан ангреник Урол Жўраев ўз фикрларини билдирибди. Қуйида унинг мактубидан сатрлар келтирмақчимиз. «... Фидойи милиция ходимларига доимо қўлимиз кўксимизда. Энди баҳс экан, икки оғиз гап. Шу йил 20 апрель кунини «Постда» рўзномасида «Бир чекиб кетса» деган кичкина мақолам босилган. Бу нарса кўпчилик чекувчиларни хурсанд қилган эди. Хўш, нима ўзгарди? Чайқов баттар ажига чиқди. Сигаретани арзон сўранг, ҳатто яшик бўлаги учидидаги миҳи билан аямай уришади. Чунки, уларнинг суянчиғи ўша сиз мақтаган «милиционер»лар...»

Муаллифнинг яна ёзишича, у кимгадир ҳуқуқ-тартибчиларни танқид қилмаслик ҳақида сўз берганмиш...

Бу ўринда Урол акага бундай деган бўлардик: ҳурматли Урол ака, ҳамма нарсани инсоф билан баҳолаш керак. Биз «Хўш, нима қилиш керак?» мақоласини чоп этиш билан милиция ходимларини оғиз кўпиртириб мақтамоқчи ёки уларнинг камчиликларини хаспўшла-

моқчи эмасмиз. Аксинча, касбига садоқатли ҳамкасбларимиз хизматини унутмаган ҳолда бу соҳага адашиб кириб қолганларни қаттиқ қоралаймиз. Ана шу нуқтан назардан келиб чиққанда, Сиз каби ҳалол ва покиза, адолат-талаб мухлислар кўмагига муҳтожмиз. Агар сиз ўзингиз айтганингиздек, милицияни танқид қилмаслик ҳақида ваъдангизни олганлар тўғрисида бизга афрофлича маълумот берсангиз, умумий мақсаднинг амалга ошишини тезлаштирган бўлардингиз.

Нукус шаҳридан Кенжабой Йўлдошев эса бизга кўмак сўраб мурожаат қилган. Рўзномамизнинг 2-сониди, яъни 5 январь кунини «Огоҳ бўлинг: фирибгар!» сарлавҳали мақолани чоп этиб, икки нафар товламачи ҳақида маълумот берган ва ҳамюртларимизни хушёрликка чақиргандик. Соддаликни қарангки, бу муаллифимиз ўша мақолани ўқиган ҳолда мазкур товламачилар тузоғига тушганлигини арз қилади. Ҳозирги кунда жиноят қидирув хизматидаги ўртоқлар бу иш билан шуғулланишяпти. Ажаб эмас, яқин орада улар товламачиларни зарарсизлантирсалар.

Шунингдек, фарғоналик Раҳимжон Раҳимов, андижонлик Фариди Жўраева, қашқадарёлик Нормамат Тоғаев каби ўқувчилардан ҳам турли мазмундаги хат-хабарлар олдик. Улардан келгусида фойдаланиш ниятидамиз.

Раҳмон АЛИ.

## ХАТЛАРГА ШАРҲ

номи берилса, ажойиб иш бўларди. Бу иш у кишини яқиндан билганларнинг, туғишганлари ва қариндош-уруғларининг дардига малҳам бўларди, деб ўйлайман».

Нима деймиз, чиндан яхши тақлиф. Агар шундай қилинса, эскичасига айтганда ҳам, янгичасига айтганда ҳам, савоб иш бўларди. Бу энди ИИБ раҳбарияти муҳокамасига ҳавола.

Агар рўзномасеварларнинг ёдида бўлса, шу йил 20 июнь кунини журналистлар Эшонқул Ҳайдаров, Фазлитдин Абдурашуловларнинг «Аҳвол яхши эмас, ёмон!» деган мақоласини чоп этгандик ва ундан кейин «Хўш, нима қилиш керак?» сарлавҳаси

## ВАЖОҲАТИ ЁМОН ЭДИ

Муқаддам судланган Владимир Мяслик яна тўйиб ичиб олган, кайфи тароқ эди. Кечга томон кўнгли маишатни тусаб қолди. Тахминан соат еттиларда бир-бир босиб, «Олмалик-қўроғошқурилик» трестига қарашли 4-ётоқхонага келди. 112-хона эшигини тақиллатди.

— Ким у?

— Володяман.

Хона соҳибаси Е. Забелина жазманини овозидан танидида, эшикни очди. «Мехмон» аввал ҳам бир неча марта бу ерда умумий ётоқхонада яшаш тартибини бузган эди. Бу сафар ётоқхона мудираси В. Васильева унинг шу ердалигини билиб, участка вакили милиция катта лейтенанти М. Тайфуловдан ёрдам сўради.

— Мен билан милиция таянч пунктига боришингизга тўғри келади, — деди М. Тайфулов.

«Оловли сув» таъсиридан ўзини шер билган Володяга бу гап, табиийки, ёқмади.

— Нимага бировларнинг ишига бурнингни тикасан? Ҳозир формада эмас, фуқаро кийимдасан. Хизматда эмассан, сенга бўйсунмайман.

— Мяслик, кайфингиз бор, ҳаддингиздан ошманг!

— Бор, тошингни тер!

— Мяслик, охириги марта огоҳлантираман, мен билан юринг!

— А, ҳали шунақами, — деди Володя ва жазманига бурюди. — Қани, эшикни беркит...

У шундай дея ҳожатхонага участка вакилини куч билан итариб киритди. Кейин унинг бўйнидан бўга бошлади.

— Жонимга тегдинг, хира пашша, сен билан ҳисоблашиб қўямасам бўлмайди!

Воқеанинг бундай қалтис тус олишини кутмаган В.

Васильеванинг ранги ўчиб кетди. Ташқарига ўқдек отилиб чиқдида, қўшни хонада дам олаётган С. Неволинни ёрдамга чақирди.

Неволин жанжал бўлаётган хонага кирганида, безори милиция ходимини бўғишда давом этар, айни пайтда тинмай сўқинарди.

— Айб Тайфуловнинг ўзида, — деди судда айбланувчи В. Мяслик, — У менга кўполлик қилди. Милиция идорасига боришимни талаб қилиб, айни пайтда уриб, юқори лабимни ёриб юборди. Уни бўғмадим. Тайфулов қўлимни қайирган пайтда Неволин бизни ажратиб қўйди.

— У нотўғри гапираяпти, — деди гувоҳ С. Неволин. — Ўша кунини дам олиб ўтирганимда ётоқхона мудираси В. Васильева ҳовлиқиб кириб келди ва участка вакилига ёрдам беришимни илтимос қилди. Уларнинг хонасига кирганимда, Мяслик Тайфуловни ҳожатхонада бўғётган, участка вакили эса ҳолдан тойиб қолган экан. Агар озгина кечикканимда, у ҳалок бўлиши мумкин эди.

Бошқа гувоҳлар — В. Васильева, Е. Забелиналар ҳам унинг кўрсатмаси тўғри эканлигини тасдиқлашди.

Тошкент вилоят суди аъзоси А. Эшмаҳаматова раислигида Олмалик шаҳрида ўтказилган суд мажлисида ҳукм чиқарилди. 1957 йилда туғилган, 345-механизациялашган кўчма колоннада ишлаган Владимир Мяслик ЎзССЖ ЖМ 149-1-моддаси биринчи қисми билан айбдор, деб топилди ва ...

Начора, Мяслик энди азиз умрининг етти йилини кучайтирилган режимли ахлоқ тузатиш муассасасида ўтказишга мажбур.

Р. ҚОСИМОВ.



(Давоми. Боши 1-бетда) Дарё қирғоғида изланаётган номаълум кишини қўлга олишди (3-сурат). Мажкор жиноятчининг ҳийла-найранги милиционерларга ўтмади. У таслим бўлди.

Начора. Бузоқнинг югургани сомонхонагача, деганлари тўғри экан. Тепалиқда турган машина уни кутиб турарди (4-сурат).

Ҳабибулла ШОДИЕВ олган суратлар.



## ҚОЧОҚ МОТОЦИКЛЧИЛАР

Йўл ҳаракати қондасига риоя қилмай, бу ҳам етмагандай ДАН инспекторининг тўхташ ҳақидаги талабига бўйсунмасдан жуфтакни ростлаб қолувчилар бизнинг туманимизда ҳам учраб туради. Кўпинча мотоциклчилар мана шундай қўпол ҳатти-ҳаракат қилишади. Бироқ ходимларимизнинг тадбиркорлиги туфайли уларнинг шахси ўз вақтида аниқланиб, тегишли чоралар кўрилмақда.

«Коммунизм» жамоа хўжалигининг 14-бригадасида яшовчи Ҳамро Худойберганаев давлат рақам белгиси бўлмаган «ЯВА» мотоциклида кетаётган қўпол равишда бузган. Бироқ у ДАН инспекторининг тўхташ ҳақидаги кўрсатмасига ҳам итоат этмаган. «Правда» давлат хўжалигининг 11-бригадасида яшовчи Баҳром Шапоқов, Киров номи жамоа хўжалигининг 6-бригадасидан Гулим Султонов каби ҳаваскор мотоциклчилар ҳам инспекторнинг тўхташ ҳақидаги ишораларига жавобан тезликни ошириб ғойиб бўлишган. Бироқ жазодан қутилишолмади.

Равшанбек РЎЗМАТОВ, Гурлан тумани ИИБ ДАН катта инспектори милиция катта лейтенанти.

**Забиҳилла Муҳаммаджонов** Тошкент вилояти прокуратурасининг ходими, республика адлия вазирлигида маслаҳатчи бўлиб ишлаган. Уч йилдан бери эса Тошкент шаҳар адвокатлар ҳайъатининг ҳимоячиси, ССЖИ ҳуқуқшунослар уюшмасининг аъзоси. У киши билан суҳбатимиз ҳимоячилик касби, унинг масъулияти ва машаққатлари ҳақида борди.

— Забиҳилла ака, ҳуқуқшунослик соҳасини танлаганингизнинг боиси нимада?

— Бунга оилавий шажарамиз сабабчи бўлса керак. Тоғам Абдумалик Иброҳимов республика прокуратурасида ишлаганлар. Амаким ва уч акам ҳам ҳозирги кунда ҳуқуқшунос.

— Таржиман ҳолингиз киши эътиборини тортади. Аввал давлат қораловчиси, маслаҳатчи, кейин эса кутилмаганда ҳимоячи...

— Ҳаётимда кўп адолатсизликларни кўрганман. Турғунлик йилларига бир назар ташлайлик. Шу давр «шарофати» билан қанчадан-қанча одамлар ноҳақ жазоланганини ўйлаб кўришнинг ўзи қанчалик оғир. Хуллас, мен адолатни халқ томонида туриб ҳимоя қилишга қарор қилдим.

— Оқловчи сифатида олиб борган биринчи ишингиздан кўнглингиз тўлганми?

— Биринчи ишим «пахта иши» бўйича эди. Ўзбекистон ССЖ Олий судида бир йил давомида 15 нафар ҳимоячи сафида Қашқадарё вилоятидан 23 кишининг жиноий ишини кўриб чиқишда қатнашимизга тўғри келди. Ҳимоямадаги бир киши илгари судлангани учун қамоқ жазосини олди. Иккинчиси эса ҳаракатларим туфайли озодликдан маҳрум қилинмай, жазони шартли ўтайдиган бўлди. Тўғри, унинг айби бор эди. Аммо раҳбарларнинг таъсири остида шу ишга қўл ургани инobatга олинди. Ушанда одил судлов учун курашиб, бир инсоннинг қадр-қимматини ҳимоя қилолганимдан ҳозиргача ғурурланаман.

— Суд жараёнида қонунчиликка тўлиқ риоя қилинишига ҳимоячи ҳам масъул. Шундай эмасми?

— Албатта. Ўзбекистон ССЖ Жиноий-процессуал мажмуасининг 14-моддасига кўра суд, тергов органлари, прокуратура жиноий ишни ҳар томонлама мукамал кўриб чиқишлари зарур. Баъзан бир томон-

— Кейинги пайтда ўғирлик ва чайқовчилик кўпайди. Ўтган йилнинг ўзида Тошкент шаҳрида 2 мингга яқин автомашина ўғирланган. Аксарият камёб моллар чайқовчининг қўлида. Турмушимиздаги яна бир муаммо — «қўйди-чиқди»лар авж олди. Ҳар йили мамлакатимизда 3 миллионга яқин никоҳ қайд этилаётган бўлса, шундан 1 миллиони суд орқали бекор қилинмоқда. Ҳаётга энгилелли қараш, ўйламай иш тутиш, қолаверса, иқтисодий қийинчиликлар ана шундай хунук оқибатга олиб келаётир.

— Суд жараёнида қатнашган одамлар билан суҳбатлашиб қолсангиз, кўн-

ри ҳимоячи ҳам овора. Масалан, Япония, Норвегия, Ҳиндистон, Франция каби хорижий давлатларда ана шундай ҳолатга йўл қўйган қозилар маъмурий жавобгарликка тортилдилар.

— Оқловчи ҳам суд жараёнини қолдириши мумкинми?

— Мумкин. Агар тергов ҳаққоний олиб борилмагани маълум бўлиб қолса, ана шу камчиликларни аниқлаш учун суд ҳайъатига илтимоснома йўллашга ҳақли.

— Суд ислоҳоти тўғрисида қандай фикрларингиз бор?

— Суд ҳайъати Ўзбекистон ССЖ жиноят мажмуасининг 23-модда 2-бан-

материаллари, йиғилган ҳужжатлар ва гувоҳларнинг кўргазмасидан ўлароқ нотўғри хулоса чиқарса, ҳимоячи юқори суд идораларига кассацион ва назорат тартибда шикоят йўллаши мумкин. Шундан сўнг суд ишни қайтадан кўриб чиқади.

— Судда асосан жиноятчилар ва айбдорлар ҳимоячи ёллашади. Жабр кўрганлар-чи?

— Фуқаролар иши кўрилаётганда, масалан, мерос таллашиш, ишдан ноҳақ бўшатиш, эр-хотин ёки қўшниллар ўртасидаги келишмовчиликлар, алимент ундириш каби жараёнларда даъвогар ҳам, жавобгар ҳам ҳимоячи ёллашлари мумкин.

— Мажмуалардаги моддаларни ёддан биласизми?

— Албатта. Ўзбекистон ССЖ Жиноят, Фуқаровий, Маъмурий, Жиноий-процессуал ва Фуқаровий-процессуал мажмуалари маъжуд. Ҳимоячи улардаги ҳар бир моддани яхши билиши шарт. Акс ҳолда хатоликларга йўл қўяди.

— Қамоқдан қутулиб келганлар билан ҳам учрашиб турасизми?

— Шундай ҳам бўлиб туради. Ҳотам Эрназаров деган йигит ноҳақ камалди. Уни оқлаш учун 1,5 йилга яқин ҳаракат қилдим. Охири Олий суд одилона ҳукм чиқарди. Ҳотам ҳозир нимё илмгоҳида ишлаяпти, нимё фанлари номзоди. Туришган укамден қатрдон бўлиб кетган.

— Оилавий шажарангиз анъанасига кўра фарзандларингиздан бирортаси ҳуқуқшунос бўлишига ҳаракат қиласизми?

— Йўқ. Уларнинг ўзларига ҳавола этганман. Ўғлим Иброҳим техникага, қизим Зулфия эса тиббиётга қизиқади.

— Муштарийларга тилакларингиз...

— Адолат бор жойда ҳақиқат ҳеч қачон букилмаслигига ишонсинлар.

Суҳбатдош  
Саъдулла ШОДИЕВ.

**БИЗНИНГ СУҲБАТ**

**АДОЛАТ БОР ЭКАН,  
ҲАҚИҚАТ БУКИЛМАЙДИ**

лама ёндашилиб, хатоликларга йўл қўйилади. Оқибатда судланувчи ноҳақ жазо олади. Айрим ҳолларда терговчилар нотўғри тергов олиб борганлари сабабли судда қайта тергов кетади. Шу ўринда бир нарсани таъкидламоқчиман. Маориф масканлари ва маҳаллаларда ҳуқуқий тарбия йўқ даражада. Бу эса ёшларнинг жиноятни билмасдан содир этишларига олиб келмоқда. Суд пайтида уларга ғаразли мақсадда жиноят содир қилганликда айб қўйилади. Ҳимоячи эса баъзан бундай мақсаднинг йўқлиги, балки тушунмай, янглишиб ёки мажбуран кўнгилсиз воқеа келиб чиқишига сабабчи бўлганини очиб беради.

— Ҳозирги кунда қандай суд жараёнларида кўпроқ қатнашингизга тўғри келяпти?

чилик ҳимоячининг обрўси тушиб кетаётганлиги ҳақида гапирди. Ҳақиқатан ҳам шундайми?

— Бундай дейишларида жон бор, албатта. Мен шу ўринда ҳимоячиларга яратилган шароит ҳақида гапирмоқчи эдим. Туманларга борсангиз, ҳимоячи учун алоҳида хона ажратилмаган. Ахир, биз жиноий иш билан танишимиз, ўрганишимиз, агар зарур бўлса, гувоҳлар билан суҳбатлашимиз керак бўлади. «Вечерний Ташкент» рўзномасининг ўтган йил 17 октябрь сониди эълон қилинган мақоламда ана шу ҳақда ёзган эдим. Шундан кейин Чилонзор туманида хона ажратиб беришди. Суд пайтида гувоҳлардан бирортаси келмай қолса, суд истаганча қолдирилаверади. Қанча одамлар, техника, шулар қато-

дига кўра судланувчини шартли равишда озодликдан маҳрум қилиб, узоқ Россиянинг Кемерово, Волгоград, Екатеринбург, Владивосток каби ўлкаларида меҳнат қилишга жалб қилади. Менинг таклифим, улар ўз она-ерларида қолишса, ота-онаси, фарзандлари олдида бўлишса, фойдадан ҳоли эмас. Ўзингиз биласиз, қурилиш, дала юмушлари ва пахтазорлар учун кўплаб ишчи кучи етишмайди. Бундан ташқари судланувчилар совуқ жойларга юборилганда, у ернинг шароитига дош беролмай, турли хил хасталикларга чалинишлари мумкин.

— Суд ҳайъати судланувчига нотўғри айб қўйдиган бўлса, бундай ҳолда ҳимоячи қандай йўл тутади?

— Агар суд ҳайъати иш

**ЁЗ — ЎТМОҚДА СОЗ**



Жиззах вилоятининг Зомин туманидаги «Дзержинскийчи» кашшофлар гўшасида бўлганимизда, бизни қувноқ ўғил-қизлар ўраб олишди.

Горининг чорловчи садосини эшитиб, у томонга қараб юрдик. Самарқанд шаҳридаги 12-ўрта мактаб ўқувчиси Ориф Қаршибоев завқ билан горн чаларди (1-сурат).

Бир неча дақиқадан сўнг дид билан безатилган ошхонада болаларнинг шодон кулгуси янгради. Мазали овқатни зўр иштаҳа билан тановул қилишгаётганини кўриб, қўлим беҳтиёр фотоаппаратга югурди (2-сурат).

Кейин ёнимда пайдо бўлган гўша бошлиғи Ҳаким ака Мусурмоновни суҳбатга тортдим.

— Оромгоҳимизда вилоят ички ишлар бошқармаси, ички ишлар вазирлиги ходимларининг фарзандларидан 100 нафари ҳар сменада мириқиб дам олмоқда,— дейди у.— Болалар ихтиёрига спорт майдончаси, чўмилиш ҳавзаси ва томошагоҳ бериб қўйилган.

Ҳаким ака сўзини тугатар-тугатмас болалар ошхонадан отилиб чиқишди. Катта ҳовуз сувида чўмилишга нима етсин (3-сурат)!

Соя-салқин дарахтлар орасида учинчи отряд етакчиси Зебунисо Ербековани болалар билан китоб мутолаасида учратдим (4-сурат).

Бошқа жойда эса шахмат-шашка ишқибозлари дона суришляпти (5-сурат). Қўл тўпи қаққонлар ва юрагида ўти борлар ўйини (6-сурат).

Хуллас, оромгоҳда болалар зерикш нимаалигини билмишмайди.

Ҳ. ШОДИЕВ олган суратлар.



**ЭЪЛОН**

«Постда» рўзномасига шошилиш равишда ўзбекча машинкада ишлай оладиган ходималар керак. Иш ҳақи ва шаронти ҳақида 39-77-23 рақамли телефон орқали маълумот олиш мумкин.

**ОБУНА  
ДАВОМ  
ЭТМОҚДА**

«Постда» рўзномасини уйда олиб ўқиш истаги бўлса, унга обуна бўлишингиз мумкин. Агар Сиз 5 августга қадар рўзномага ёзилсангиз, у 1 сентябрдан бошлаб хонадонингизга кириб боради.

Обуна баҳоси 4 ойга — 5 сўм 20 тийин, 3 ойга — 3 сўм 90 тийин.

Обуна барча алоқа бўлимларида чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Обуна рақам — 64615.

Мухаррир  
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан таъинланган, 700033, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: Мухаррир, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, 37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ») Орган коллегияси МВД УэССР